

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ФАОЛИЯТНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Электр энергетика соҳасида илмий-техникавий ривожланиш даражасини тубдан ошириш ва замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш, электр энергетика корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг стратегик дастурлари амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, бунинг учун зарур бўлган замонавий илмий-тадқиқот ва лаборатория базаларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекэнерго» АЖ тизимида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тугатилаётган Энергетика ва автоматика институти негизида масъулияти чекланган жамият шаклидаги Илмий-техника марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекэнерго» АЖ Илмий-техника маркази фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергетикани ривожлантиришнинг долзарб илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган ишланмалар ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш;

электр энергетика соҳасида истиқболли маҳаллий ишланмаларни, шунингдек илғор хорижий технологиялар ва усқуналарни апробация қилиш, синаб кўриш ва амалиётга татбиқ этиш;

республикада электр энергетикани янада барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бунинг асосида электр энергетикани, жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни жадал кенгайтириш ҳисобига ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган модернизациялаш ва ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини тайёрлаш;

биринчи навбатда, истеъмолчилар томонидан йўл қўйилаётган нобудгарчиликларни камайтириш, электр энергияни узатиш ва тақсимлаш технологияларини такомиллаштириш ҳисобига иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш ва энергия сарфини қисқартириш ҳолатини чуқур ўрганиш ҳамда шулар юзасидан янги таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзбекэнерго» АЖ Илмий-техника марказининг ходимлар чекланган сони 58 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

«Ўзбекэнерго» АЖнинг янгиланган ташкилий тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

«Ўзбекэнерго» АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 73 нафардан иборат янгиланган тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекэнерго» АЖнинг Илмий-техника маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тугатилаётган Энергетика ва автоматика институтининг амалдаги шартномалари ва контрактлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади, меҳнат шартномалари бундан мустасно.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тугатилаётган Энергетика ва автоматика институти илмий ва муҳандис ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича 4-иловага\* мувофиқ таркибда комиссия тузилсин, кейинчалик малакали мутахассислар «Ўзбекэнерго» АЖнинг Илмий-техника марказига ишга қабул қилинсин.

\* 1, 2, 3 ва 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фанлар академияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» АЖ иштирокида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тугатилаётган Энергетика ва автоматика институтининг илмий-техникавий лойиҳалари, конструктор-технологик ишланмалари,

ускуналари ва бошқа мол-мулкининг талаб мавжудлигини ва сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун уларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси иштирокида белгиланган тартибда:

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтини тугатиш ва унинг негизида «Ўзбекэнерго» АЖнинг Илмий-техника марказини ташкил этиш ҳамда унинг уставини тасдиқлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган бинони унга туташ худуди билан бирга Илмий-техника марказининг устав капиталига топширилишини ва кейинчалик Марказнинг устав капиталдаги давлат улуши «Ўзбекэнерго» АЖнинг устав капиталига номинал қиймати бўйича ўтказилишини таъминласин.

8. «Ўзбекэнерго» АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда Илмий-техника марказининг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган истиқболли тадқиқотлар дастурини тасдиқласин;

Илмий-техника марказининг биносини реконструкция қилиш ҳамда унинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлайдиган қўшимча замонавий илмий ускуналар, приборлар, маълумотлар базаси ва материаллар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тугатилаётган Энергетика ва автоматика институтининг бўшатилаётган ходимларини белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 июндаги 290-сонли қарори 6-бандининг **иккинчи хатбоши** ҳамда унинг **2** ва **3-иловалари** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 13 июль,  
ПҚ-2559-сон

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 29-сон, 348-модда)*